

ИШОНСН

Ушбу сонда:

2 ОҚИБАТ

3 Спартакиада шохсупасида —
ДЎСТЛИК ВА БИРДАМЛИК

4 КАТТА БИЗНЕСНИНГ
РИВОЖЛАНИШ СОҲАСИ

БИР-БИРИГА КАМАРБАСТА

Юртбошимизнинг Навоий ва Бухоро вилоятларига сафари давомида кўтарилган масалалар меҳнат жамоаларида қизгин муҳокама этилмоқда

— Мамлакатимиз меҳнат қирғини қатори фермер хўжалигимиз аъзолари ҳам Президентимиз Ислам Каримовнинг Навоий ва Бухоро вилоятларига сафарини зўр диққат-эътибор билан кузатиб бордилар. — дейди муҳбиримиз билан суҳбатда Гиждувон туманидаги «Файз» фермер хўжалиги раҳбари Рустам Парпиев. — Бу жойларда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, меҳнат жамоаларидаги учрашувларда кўтарилган масалалар бизни ҳам катта ишларга рағбатлантирмоқда. Насиб қилса, бу йил ҳосил чўғини ошириб, даромаднинг катта қисмини фермер хўжалигимизни янада кенгайтиришга йўналтирамиз. Чунки Юртбошимиз таъкидлаганидек, фермерларнинг мустақиллигини кенгайтиришга давлатнинг ўзи эътибор қаратаётган экан, биз ҳам бунга амалий ишимиз билан жавоб беришимиз даркор.

Рустам Парпиев бундан тўрт-беш йил олдин чақалакзор, қаровсиз, хароберни олиб, ишлашга киришган эди. Лекин иш кўламини кенгайтириш учун маблағ зарур. Шунинг учун Рустамжон банкдан кредит олди. Натихада унинг муроди ҳосил бўлди. Бугунги кунда Р. Парпиевнинг тасаруфида жами 58 гектар ер майдони бўлиб, пахта, гал-

ла, маккажўхори, беда-ўт етиштиради. Ҳосилдорлик йилдан йилга осяпти. Унинг 230 бошдан ортқ қорамоли, 1600 бош қўй, 23 бош оти ҳам бор. Пахта, галладан ташқари гўшт, сут, қорақўл тери ҳам етиштириб, хўжалик иқтисодини кўтармоқда. Даромадга қараб буромад, деганларидек, хўжалик жамоасининг яшаш тарзи ҳам кун сайин юкса-

лапти. Жами 40 нафар ишчининг қозони шу хўжалик ҳисобидан қайнапти. Уларнинг ўртача ойлик маоши 70 — 80 минг сўмини ташкил этапти. Жамоанинг унумли меҳнат қилиши учун барча маданий ва маиший шароитлар яратилган. Жумладан, улар учун ҳар куни 3 маҳал бепул иссиқ овқат тайёрланапти, иш кийимлари берилган. Ҳар йили 4-5 нафар

Шарофат ИСКАНДАР қизи,
«Ишонч» муҳбири

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, касба уюшма ташкилотлари фаолиятида демократик тамойиллар ривожланиб борди. Шу билан бирга, жаҳондаги кўпгина мамлакатларнинг нуфузли тармок ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланиб, кучайтирилмоқда. Ўз навбатида улар билан эришилган ютуқлар, бой иш тажрибалари ўзаро баҳам кўрилиб, оммалаштирилмоқда.

Айниқса, Россия Федерацияси соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшма Марказий кўмитаси билан кўп йиллардан буён йўлга қўйилган бундай фойдали ҳамкорликнинг катта самара бераётганлигини алоҳида мамнуният билан эътироф этиш жоиз. Мазкур

Халқаро алоқа

цияси кенгаши раиси Дилбар Жаҳонгирова қабул қилди. Ўзаро суҳбат чоғида икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболларига доир фикр-мулоҳазалар билдирилди. Шу билан бирга, учрашувда иккала томоннинг ҳам кенг қамровли фа-

лишиб олинди. Россиялик меҳмонлар республикаимиз соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшма Марказий кенгаши фаоллари билан ҳам учрашди. Дўстона вазиятда ўтган ўзаро мулоқотлардан

РОССИЯЛИК ҲАМКОРЛАР ТАШРИФИ



ташкilot делегацияси таркибиде юртимизга бу гал Россия Федерацияси тармок касба уюшма Марказий кўмитаси раиси Михаил Кузьменко ва Татаристон

Республикаси касба уюшмалари ташкilotи раҳбари Гулнара Хуснутдиновалар ташриф буюришди. Меҳмонларни Ўзбекистон касба уюшмалари Федера-

олияти билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилиб, дўстона алоқаларни бундан ҳам кенгайтириш, илгор тажрибаларни ўзаро баҳам кўриб, кенг оммалаштириш юзасидан ке-

сўнг улар Марказий кенгаш фаолияти билан яқиндан танишишди. Республика шохсупасидаги тиббий ёрдам илмий марказида бўлишиб, малакали шифокорлар томонидан амалга оширилган ишлар, эришилаётган ютуқлар билан танишдилар. Меҳмонлар республика касба уюшмалари Федерацияси кенгаши қошидаги ўқув маркази, шунингдек, даволаш-профилактика марказига ташриф буюришиб, уларнинг фаолиятини юқори баҳоладилар. Дарҳақиқат, тиббиётнинг сўнгги ютуқлари асосида иш олиб бораётган иккала даволаш масканининг бугунги кунда қўлга киритаётган муваффақиятлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмайд.

Меҳмонлар ўз сафарлари чоғида қадимий Самарқанд ҳамда Бухоро шаҳорларида бўлишиб, тармок касба уюшмаларининг фаолияти билан ҳам танишадилар.

Ўз муҳбиримиз

Республика касба уюшма ташкilotларида

КАДРЛАР МАСАЛАСИ
кўп нарсани ҳал қилади

Тошкент вилоят касба уюшмалари ташкilotлари бирлашмаси кенгаши ўз фаолларининг малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Кеча йирик ишлаб чиқариш қорхоналари касба уюшма етакчилари ҳамда тармок касба уюшма фаоллари иштирокيدا ўқув-семинари ўтказилди. Иштирокчилар учраётган турли муаммолар ҳақида фикр алмашиб, жойлардаги илгор иш тажрибалари билан ҳам ўртоқлашдилар.

ФАХРИЙЛАР ЭЪЗОЗДА

«Чирчиқкишлоқмаш» қорхонаси бошланғич касба уюшма ташкilotи ўз фахрийларини ижтимоий ҳимоялаш борасида кўпгина ишларни амалга оширмоқда.

Қорхонада узок йиллар фаолият кўрсатган фахрийларнинг 29 нафари қимматбахо совғалар билан тақдирландилар.

Тошкент вилоят металлургия ва машинасозлик саноати тармоклари ходимлари касба уюшма кенгаши томонидан ҳозирда қариллик гаштини сураётган 40 нафар фахрийлар ҳолидан хабар олинди.

«ЭНГ ЯХШИ ҲАМШИРА»

Хоразм вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда тармок касба уюшма вилоят кенгаши ҳамкорлигида «Энг яхши ҳамшира» кўрик-танлови ўтказилди.

Беллашувнинг вилоят босқинида 9 нафар ҳамшира қизлар иштирок этиб, 5 та шарт бўйича ўзларининг касбий билимларини, истеъодларини намойён этишди. Биринчи ўрин вилоят туғруқхонаси ҳамшираси Шоира Рўзметовага, иккинчи ва учинчи ўринлар янгибозорлик ҳамшира Зулфия Алламова ҳамда вилоят 1-сонли клиник шифохонаси ҳамшираси Юлдуз Ёқубоваларга насиб этди.

«САЛОМАТЛИК»

СПАРТАКИАДАСИ

Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан Тошкент вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшма кенгаши ташаббуси остида «Саломатлик» спартакиадаси ўтказилди.

Уч босқинда ўтказилган ушбу мусобақанинг якуний қисми куни кеча «Ботаника» санаторийида бўлиб ўтди. Беллашувда Ангрэн, Чирчиқ шаҳри, Янгийўл, Бука туман командалари муваффақиятли иштирок этиб, фахрли ўринларни эгалладилар.

Волейбол, стол тенниси, эркин кураш, тош кўтариш, енгил атлетика бўйича фахрли ўринларни эгаллаган иштирокчиларга вилоят кенгаши томонидан қимматбахо совға ва дипломлар топширилди.

Ўз муҳбирларимиз

Ислам КАРИМОВ:

Биз қишлоқ хўжалиги соҳасида ривожланган давлатларда синовдан ўтиб, ўзини оқлаган, самарали йўлни - фермерликни танладик. Қисқа фурсатда бу усул ўз самарасини бера бошлади. Фермерлик ҳаракатини йўлга қўйиб, тўғри қилганимизни ҳаёт исботламоқда.

Давлат маҳияси янграганда қалблар ҳаяжондан энтиқиб жунбушга келади. Тантанали марш саҳналари остида қийини ҳуссасига ярашиб тушган бақувват йигитларнинг шаҳдан қадамлар билан сафда ўтишлари, акаларнинг қаҳқон ҳаракатларига ҳавас билан тикилаётган болақайлар, норул фарзандларига фахрланиб боқаётган онаизорлар қувончини айтмайсизми?

— Аскар онаси бўлиш катта шараф, — дейди учрашув ташкилотчиларидан бири, Косон туман «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Фазолат Бафоева. — Ҳар бир фуқаро қуроли қучлардаги хизмат даврида ҳақиқий мардлик, маънавий-маърифий ва ватанпарварлик мактабини ўтайди.

Аскар оналар... Фарзандини армияга жўнатиш олдиндан қўзғаларига севинч ёшлар олиб, оқ фотиҳа беришган. Бугунги кунда ўғиллари Ватанини ҳимоя қилишда конституцийвий бурчини виждондан адо этиб, волидаси ишончини оқламоқда. Шундай экан мамлакатимиз муқаддас сарҳадларини хушёр туриб қўриқлайдиган, эл қорига ярайдиган жасур ўғлонларни воёга етказишдан онаизор гурурланмай ким гурурлансин?

Қарши туманининг «Чўли ота» фермерлар уюшмасида яшовчи Зироат Лутфуллаеванинг тўнчиқ ўғли Бахтиёржон болалигидан ҳарбий хизматчи бўлишни орзу қилар эди. Урта мактабни битириб, ота-онаси қаватиға кирди. Эр йигит воёга этиб фуқаролик бурчини ўташга жўнади.

Чирокчи туманининг Чиял кенгликларида қамол топан Исқандар дастлаб мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкilotи ҳузуридаги курсни битириб, ҳайдовчилик касбини эгаллади. Бошланғич ҳарбий таълим машғулотлари аълоҳиса бўлди.

— Ўғлимнинг ҳарбий хизматини муваффақиятли ўтаётганлигидан мамнунман, — дейди Искандарнинг онаси Насиба она Ҳожиева. — Унинг алп қоматини кўриб қувонаман.

— Қуроли қучлар сафига жиддий синов ва таъливлардан ўтган йигитлар саралаб олинапти, — дейди вилоят мудофаа ишлари

бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, подполковник З.Шерматов. — Армияда уларнинг ҳар томонлама профессионал ўсиши, жисмоний, маънавий ва интеллектуал ривожланиши учун етарли шароит яратилган.

— Қадимий ва ҳамisha навқирон Қарши шаҳрида униб-ўсдим,

АСКАР ОНАЛАРИ ҚУВОНЧИ

Жануби-Ғарбий округнинг Н-қисмида ўтказилган ҳарбийларнинг ота-оналар, жамоатчилик вакиллари ва аскарлар билан учрашуви байрамга айланиб кетди

— дейди оддий аскар Озоджон Тошев. — Чегара қўшинларида хизмат даврида ёшлигимдан спорт билан шуғулланганлигим, айниқса, аскотмоқда. Хизматни ўтаганимдан сўнг ҳарбий соҳада ишлашга қарор қилдим.

Кучли жисмоний тайёргарлиги, билими, руҳий етуқлиги ва алоҳида қобилияти эвазига қисм командирлари эътиборини қозонган оддий аскар О.Тошев мамлакатимиз чегаралари дахлсизлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Қарши туманида яшовчи Барчиноӣ Арабованинг туртта фарзанди бор. Ҳозирги кунда катта ўғли Улуғбек чегара қўшинларида ҳарбий хизматни ўтамоқда.

— Армия ҳаёт мактабига айланган, — дейди мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкilotи

Нишон тумани бўлинмаси бошлиғи, эркин кураш бўйича бир неча бор республика чемпиони Жобир Яздов. — Қўшинларда зарур моддий техника ва ўқув базаси шаклланган, қудратли ва замонавий қурол-аслаҳа, мураккаб техника воситалари мард ва жасур ёшларга ишониб топширилган. «Ватанпарвар» жамияти йигитларини касба йўналиши, ҳунар ўрганиши учун яқиндан қўмаклашмоқда.

Яккабоғлик Улаш бобо Қодировнинг ҳамқишлоқлари орасида ўзига яраша обрў-эътибори бор. Отақон кенжатоӣи Лазизжоннинг ҳарбий кийим кийганидан фахрланади.

— Ўғлим, ниҳоят орзуинг ушал-

Ҳарбий хизмат — муқаддас бурч

Оддий аскар Бобуржон Раҳмонов ҳарбий хизматдан сўнг «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кўмағида олий ўқув юртида ўқини давом эттириб, етук мутахассис бўлиб етишиш ниятида. «Маҳалла» жамғармаси раиси Долли Аллаевнинг таъкидлашича, ёшларни ҳарбий қаҳриққа тайёрлаш ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш учун вилоят мудофаа бўлими, «Нуроний» жамғармаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, хотин-қизлар кўмитаси, халқ таълими, соғлиқни сақлаш бошқармалари, «Ватанпарвар» ташкilotи билан

ий эътиборда турибди. Қарши ҳарбий прокурори томонидан ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий-маиший аҳоли, яшаш шароити, иш ҳақи ва бошқа имтиёزلардан фойдаланиши чуқур ўрганилиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш тадбирлари белгиланди.

Қаршидаги сержантлар мактабиде «Бали, йигитлар» кўрик-танлови ўтказилиб, «Шунқор» ва «Сардор» жамоалари беллашдилар. Мусобақадда офицер ва аскарлар ўзларининг чуқур билим ва иқтидорлари, қаҳқонликлари ҳамда интеллектуал қобилиятларини намойиш этдилар.

Нуристон шаҳарчасидаги ҳарбий қисмда бўлиб, олиб борилаётган ишлар билан танишганимизда, армия сафига қаҳриқанглар қисқа муддатда чиниқиб мактабни ўтаб, ҳарбий, ижтимоий-сиёсий, отиш, тактик, разведка, алоқа, замонавий қурол-аслаҳаларни пухта ўзлаштириб, назарий ва амалий машғулотларда фол қатнашаётганликлари маълум бўлди.

Мамлакатимиз жанубий чегаралари осийишталлигини таъминлаш учун ўз ниятида хушёр турган аскар ва офицерларга фахрланиб боқар экансиз, мамлакатимиз Президентини, Қуроли Қучлар Олий Бош Қўмондонини Ислам Каримовнинг ёшларга қарата айтган куйидаги сўзлари ёдингизга тушади: «Сенинг Ватанинг битта — гўзал ва бетақорр Ўзбекистондир. Бу ерда аждодларингнинг муқаддас хоки ётибди. Ушбу табаррук замин сени улғайтирди ва сен уни обод этишинг, ҳар қандай балоқазолардан ҳимоя қилишинг даркор. Нафақат сенинг, балки сенга умид ва ишонч қўзларини тиккан жигарбаңдларинг — кексалар, ота-оналар, умр йўлдошинг, фарзандларинг ҳаёти ҳам ўз бурчингни нечоғли адо этишингга боғлиқ».

Бундай эзгу тилақлар Ватан ва халқ олдидаги фарзандлик бурчинини ўташга қиришган ҳар бир йигитнинг қалбини тўлқинлантиради.

Исзат ҲИҚМАТОВ,
«Ишонч» муҳбири



Мехнаткашлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини таъминлаш мақсадида республика таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий Кенгаши ҳамда унинг тасарруфидagi ташкилотларда бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Мақсад имкони борича тармок мехнаткашларини спортга жалб этиш, уларни жисмоний жиҳатдан чиниктириш, саломатликларини мустаҳкамлаш ҳамда соғлом турмуш тарзини қарор топтириши. Шунингдек, ўтказилаётган спорт тадбирлари истеъдодли ёшларни аниқлашга ҳам ёрдам бермоқда.

Аввал хабар берганимиздек, мана шундай тадбирлардан бири Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳридаги Олимпия заҳиралари касб-хунар коллежи ҳамда «Бўстон» санаторийсининг спорт мажмуаларида бўлиб ўтди. Урта махсус, касб-хунар таълими ходимларининг II республика спартакиадасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри ўрта махсус, касб-хунар таълими ходимларидан 140 киши қатнашди. Аҳамиятли томони шундаки, улар «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» муносабати билан бир hafta мобайнида

«Бўстон» санаторийсида Марказий кенгаш ҳисобида спортнинг стритбол, шахмат-шашка, стол тенниси, арқон тортиш, армрестлинг турлари бўйича куч синатишди. Спорт беллашувлари ниҳоятда ҳаяжонли ва муросасиз кечди. Шахсий ҳисобда стритбол бўйича Бухоро вилояти вакили

СОҒЛИҚЛАРИНИ ТИҚЛАБ ОЛИШДИ



И.ХАСАНОВ олган суратлар

Шавкат Ходиев, шахмат бўйича Гулбаҳор Увайзова, шашка бўйича Карима Мирзаева, стол тенниси бўйича Дилбар Шукурова, армрестлинг бўйича Лариса Урхевскаялар ўз иштирокдорларини намойиш этишиб, голибликни қўлга киритишди.

Энг юқори кўрсаткичга эришган Бухоро вилояти жамоаси фахрли 1-ўринни эгаллади. 2-ўрин Жиззах вилояти, 3-ўрин эса Тошкент шаҳри жамоасига насиб этди.

Н.РАФИҚОВ, «Ишонч» мухбири

Таълим ва ислоҳот

ЭЗГУ НИЯТЛАР ИЖОБАТИ

Мамакатимизда педагогларнинг ижтимоий маънавиятини юксалтириш, халқ кўз ўнгига ўқитувчиларнинг образини янада оширишга катта эътибор берилляпти. Яратилаётган шароит ва кўрсатилаётган ғамхўрликлар соҳа ходимларини янада унумли ишлашга руҳлантирмоқда. Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 324-умумтаълим мактабида бўганимизда, бунга яна бир бор амин бўлайик.

— Мактаб — муқаддас даргоҳ, — дейди билим масканининг тарих ўқитувчиси Гузал Садржихнова. — Унда келажак авлод камол топади. Шунинг учун ҳам билим ўқокларимизга эътибор доимо ўзгача, муаллимга, устозга ҳурмат бўлақча. Мактабимизда фидойи, меҳнаткаш, ўз касбини жондидан севадиган ўқитувчилар ишлашади. Уларнинг излашилари боис таълим-тарбия ишлари тақомиллашиб бормоқда, самарадорлиги йил сайин ортаётган. Утган йили «Йил мактаби-2005» Республика кўрик-танловидан биринчи ўринни эгаллаб, голибликни қўлга киритганлигимиз бунинг ёрқин далилидир. Бу ерда ўқувчиларнинг пухта билим олишлари учун барча шароитлар яратилган. Мавжуд синф хоналари компьютерлаштирилиб, замон талаблари даражасида жиҳозланган. Ўқув даргоҳимизда ишлаб турган турли тўғрақлар ўқувчиларимизнинг бўш вақтларини унумли ўтказишларига ёрдам бермоқда. Узим ҳам юқори синф ўқувчиларига дарс бериш билан бирга



кўпинча мактаб кутубхонасида, турли тўғрақлар машғулотларида кўриб қувонаман. Улар ўз билимларини ошириш учун доимо изланадилар, қўшимча адабиётлардан фойдаланишади. Демак, меҳнатимиз зое кетаётгани йўқ. Ешларимиз биз кўзгаланимиздек Ватанимизга муносиб фарзанд бўлиб етишмоқдалар.

Ешлар камоли — юртимиз жамоли, деб бежиз айтилмайди. Узининг интилишлари билан тенгқурларидан анча ўзиб кетган 9 «Б» синф ўқувчиси Зайнаб Йўлдошева

«А» синф ўқувчиси Олим Қодирбеков бокс бўйича Республика чемпиони бўлди. 8-9-синф ўқувчиларидан Муҳаммад Юсупов кикбокс, Жамшид Ғуломов бокс, Ворис Хуснидинов карате бўйича Тошкент шаҳрида ўтказилган мусобақаларда муваффақиятли иштирок

этиб, совринли ўринларни эгаллашди. Мактаб жамоаси бугун ўқишда ва ҳаёда фаол бўлган шундай ўқувчилари билан фахрланишмоқда.

— Қизим Мадина шу мактабнинг 8 «М» синфида ўқийди, — дейди Ҳожиқабар ака Комилов. — Ундаги билимга чанқоқликни кўриб манун бўламан. Мактаб билан яқин алоқа ўрнатган бошқа ота-оналар ҳам худди шу фикрни билдиришади. Таълим шундай жараён: ўқитувчининг бугунги малакали меҳнати эртага албатта ўз самарасини беради. Мактаб жамоаси доимо олдинда бўлишга интилоқда.

— Давлат таълим дастурига мувофиқ олиб бораётган ишларимиз фақат бугунги кун учун эмас, балки яқин истиқболга ҳам мўлжаллангандир, — дея суҳбатни якунида мактаб директори Салима Шаропова. — Яъни, ҳозирги таълим бундан 10-15 йил кейин ҳам ўз аҳамиятини йўқотмайди. Уша давр талабларига тўлиқ жавоб бера олади. Яқинда Корея ўқув маркази билан шартнома тўздик. Чет эллик ҳамкорларимиз бизга 30 та компьютер ажратди. Шартномага мувофиқ рус, инглиз тиллари қатори янги ўқув йилидан бошлаб корей тили ҳам ўқувчиларга ўргата бошлаймиз. Икки халқнинг дўстона алоқаларини ривожлантиришга хизмат қилувчи бу янгиликни қўлчилик қўллаватламоқда.

— Давлат таълим дастурига мувофиқ олиб бораётган ишларимиз фақат бугунги кун учун эмас, балки яқин истиқболга ҳам мўлжаллангандир, — дея суҳбатни якунида мактаб директори Салима Шаропова. — Яъни, ҳозирги таълим бундан 10-15 йил кейин ҳам ўз аҳамиятини йўқотмайди. Уша давр талабларига тўлиқ жавоб бера олади. Яқинда Корея ўқув маркази билан шартнома тўздик. Чет эллик ҳамкорларимиз бизга 30 та компьютер ажратди. Шартномага мувофиқ рус, инглиз тиллари қатори янги ўқув йилидан бошлаб корей тили ҳам ўқувчиларга ўргата бошлаймиз. Икки халқнинг дўстона алоқаларини ривожлантиришга хизмат қилувчи бу янгиликни қўлчилик қўллаватламоқда.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ, «Ишонч» мухбири



«Ёш тарихчилар тўғраги»ни очганман. Унга қатнашаётган ўғил-қизлар шу соҳа бўйича ўз билимларини янада бойитиб боришмоқда. Фан олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этишмоқда. 11 «А» синф ўқувчиси Шаҳризода Шукурова, 10 «А» синф ўқувчиси Бобур Набиев туманимиз бўйича тарих фанидан ўтказилган олимпиадада 1-ўринни, 9 «Б» синф ўқувчиси Улғабек Зокиров эса 2-ўринни эгаллади. Ўқувчиларимни

Она тили фанидан Тошкент шаҳри бўйича ўтказилган олимпиадада 3-ўринни олди. Мақкур ўқув даргоҳида ўз устида тинимсиз ишлаб, изланадиган иқтидорли ўқувчилар қўп. Масалан, 10 «А» синф ўқувчиси Даврон Рустамов таъқваддо бўйича 2 мартаба Ўзбекистон чемпиони бўлди. 8 «Б» синф ўқувчиси Саид Рустамов 2-ўринни эгаллади. 11 «А» синф ўқувчиси Шавкат Баҳрамов эса спортнинг шу тури бўйича Тошкент шаҳрида биоринчиликни қўлга киритди. 10

Касаба уюшма тадбири



Шавкат Ходиев, шахмат бўйича Гулбаҳор Увайзова, шашка бўйича Карима Мирзаева, стол тенниси бўйича Дилбар Шукурова, армрестлинг бўйича Лариса Урхевскаялар ўз иштирокдорларини намойиш этишиб, голибликни қўлга киритишди.

Энг юқори кўрсаткичга эришган Бухоро вилояти жамоаси фахрли 1-ўринни эгаллади. 2-ўрин Жиззах вилояти, 3-ўрин эса Тошкент шаҳри жамоасига насиб этди.

Н.РАФИҚОВ, «Ишонч» мухбири

Ташаббус

КИТОБ ОЛИБ БЕРИЛДИ

Дўстлик туман Халқ таълими бўлими тасарруфидagi муассасаларда хайрия тадбирлари бўлиб ўтмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири 17-мактабда бўлди. Унда «Жаҳонгир», «Бекмурод», «Зилол-она», «Олим» фермер хўжалиқлари аъзолари қатнашди. Уларнинг ҳар бири 100 минг сўмдан маблағ хайрия қилдилар.

Натижада мактаб кутубхона фонди анчага бойиди. Ҳозирги кунда у 2434 та дарслик, 1564 та бадий, 246 та илмий адабиётлар ҳамда 318 та услубий қўлланмаларни ташкил этади.

Саховат

Янгибод туманининг «Баландчақир» кишлоғидаги агроиктисодийт касб-хунар коллежи жамоасига янги автобус соғва қилинди.

КОЛЛЕЖГА — АВТОБУС

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» муносабати билан вилоят ҳокимлиги томонидан тақдим этилган «УзОтойўл» русумидаги транспортда эндиликда жамоанинг спорт мусобақалари, саёхатлар ва таъриба алмашига бориб келишларига имкон туғилди. Шунингдек, туманининг «Кўшқанд» маҳалласидаги кишлоқ-врачлик пунктига вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан «Тез ёрдам» машинаси ажратилди. Бундай қўлайликдан маҳалла ахли беҳад мамнун.

Бўрибой НОРКУЛОВ, «Ишонч» мухбири

Қарор ва ижро

Яқинда Чортоқ туманидаги Кароскон кишлоғида истикомат қилувчи етмиш икки ёшли Комилхон ая Лутфиёва хонадонида қувончли воқеа юз берди. Гап шундаки, ая бутун умри давомида кишлоқдаги «Мустиқилликнинг беш йиллиги» ширкат хўжалигидида ишлаб, нафақага чиққан, лекин кексайганда фарзанди вафот этиб, уч нафар норасида набираси билан қолган эди. Унинг оғир оилавий шароитини ҳисобга олиб, «Пахтабанк»нинг вилоят бошқармаси бир бош соғин сизир тортик этди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ана шундай имкониятга йўл очди. Қосонсой туманидаги Кўкимбой кишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Навбахор» маҳалласида бўганимизда, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

МОЛИ БОРНИНГ БОЛИ БОР

— Аввало, мен бу қарорни мамлакатимизда фуқаролар учун, биринчи навбатда кам таъминланган оилаларни кўриб-қувватлаш, улардаги яшаш шароитини яхшилаш, турмуш даражасини кўтариш учун қилинаётган катта ғамхўрликнинг амалдаги ифодаси деб тушунаман, — дейди маҳалла оқсоқоли Аҳмадхон Олимов. — Биринчи навбатда соғин сизиги бор уйга барака қиради. Сут-қатиқ истеъмол қилиб юрган одам турли касалликларга кам чалинади, болалари соғлом воқеа этади. Иккинчидан, боласини сотиб турсангиз, рўзгоринг қангига ярайди. Харажатнинг катта қисмини қоплайди.

Оқсоқолнинг айтишича, кишлоқдаги Васила Орипованинг оиласи кам таъминланганлардан. Опа бир этак бола билан боқувчисиз қолган эди. Очиғи, ёш-ёш фарзандлари сут-қатиқ таъминин билмасдан воқеа етишаётганди. Саҳийлар ёрдам қилини чўзишди. Опага уч ойлик бузоқча билан, бир бош сизир соғва қилинди.

— Бу яхшилик учун қандай миннатдорчилик билдиришни билмайман, — суҳбатга қўшилиди В.Орипова. — Агар менга кўмак беришганида, сизир у ёкда турсин, ҳатто эчки сотиб олишга ҳам қурбон етмасди. Худо хоҳласа, энди оёққа туриб кетамиз. Кеча болаларин сизирни далада боқиб келишган эди, ўн литрга яқин сўт берди.

Сизир сотиб олиш учун маҳалла оқсоқолнинг аралашуви билан банкдан 600 минг сўм узоқ мuddатга мўлжалланган кредит олишга муваффақ бўлган беш боланинг онаси Мавсудахон Абдуллаеванинг ҳам боши осмонда. Унинг айтишича, сотиб олган сизир-бузоғи зотли бўлиб, бир ёки икки бош бузоқни воқеа етказгандаёқ қарздан қутилади. Сизир ёнга қолади, энди унинг ўғилларига ҳам эрмак топилди. Икки нафари даладан ўт келтириш билан банд, яна икки фарзанди эса навбатта-навбат сизирни боқийшади. Улар мактабдан кейин бўш вақт топдим дегунча шу юмуш билан шугулланишяпти. Бешинчиси эса рўзгордаги бошқа юмушларини бажаряпти.

Маҳалланинг эътибори билан 8 та кам таъминланган оила соғин сизир олишга эришди. Бу ерда яшовчи Нурилло Холмирзаев эса ҳеч қимнинг халёлига келмаган ишни қилди. Аҳолининг чорва махсудотига нисбатан эҳтиёжини қондиришга ҳисса қўиш мақсадида у банкдан кредит олиб, бу пулни 20 та хонадонга тарқатди. Дарҳақиқат, Н.Холмирзаевдан қарага пул олганларнинг ҳар бири тумандаги паррандчилик фермасидан туқумга қирган товуқларни сотиб олишди. Уртада тузилган шартномага кўра қарз қўтарганлар ҳар кун олинган туқунинг маълум қисминини Н.Холмирзаевга топширади. Натижада икки йил мобайнида қарз қопланади. Товуқлар эса уни боқайтганларнинг ҳисобига қолади.

— Ушбу йўналишдаги хайрли ҳаракатимиз тўхтамайди, — дейди яна маҳалла раиси. — Қишлоқимиз фермерларидан Ғайбулло Орипов, Хайрулло Нейматовлар ҳам яқин кунлар ичида кам таъминланган оилаларга бир бошдан соғин сизир олиб бериш ҳаракатида.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири

ЯХШИЛИККА НЕ ЕТСИН

Бу ҳақда бизга хабар қилган Китоб туман Марказий шифокониси касба уюшма кўмитаси раиси Аҳмадхон Абдурамадов шундай дейди:

— Маъмурият ва касба уюшма кўмитаси томонидан 50 киши Бухоро ва Хива шаҳарларига саёхат қилишди. Юз кишига моддий ёрдам кўрсатилди. Ходимларнинг 6 нафарига чорва моллари берилди. Туман марказидан анча

Шавкат СУЛТОНОВ, «Ишонч» мухбири

У пайтлар ёш бола эдим. Кишлоқ аёлларини биласиз, тандирда нон ёпса ҳам бир зумда икки-уч нафар қўшни жанулжам бўлишадди. Мақсад, ўзларининг иборалари билан айтганда, «дарлашиш». Қизик, ўша пайтлар қўшни хотинларнинг хангомасини эшитиб, негадир ғашим келарди. Уларнинг суҳбатлари мен учун бугунги бозорчи хотинларнинг гийбатига ўхшаб туюларди. Ҳозир эса у пайтлардаги суҳбатлар бошқача бўлганлигига амин бўла бошляяман. Мана ўша суҳбатлардан бири.

Ховлимиздаги кекса тут остидида сўрида онам аллақачон етилган хамирдан нон ясамоқда. Унинг олдида синфдош дўстим, бизга девор-дармиён қўшни Собирнинг онаси — Зухра хола қўчиб келганимизда ҳашарчиларнинг эҳтиёссизлиги туфайли тушиб кетиб синган катта кўзғумиздан қолган бўлақлардан бирини қўлига олиб, пиёладан эзилган ўсма сувига дам-бадма гургут чўпини ботириб, қошига ўсма тортиб ўтиради. Яна бир қўшинимиз — туюв куну уйимиз ортдан ўтувчи анҳор бўйида Собир иккимизга сигарет чекишни ўргатмоқчи бўлган Жамолнинг онаси Саодат хола олдидаги бир уюм исмамоқчи чопиш билан овозра. Унинг эри — Маҳкам ака кишлоққа тушиб, бир дунё исмамоқ олиб келган экан. Саодат хола бизга ҳам шундан иланиб олиб чиққан, нон ёпилаётганини кўриб кўх сомса қиламан, дея ўзи ишга тушиб кетганди.

Хуллас, у аёл уч хил юмуш билан банд. Шундай бўлишга қарамай, суҳбат тўхтамайди. — Эшитдиларингми, нариги қўчадаги Музина опанинг ўғли ўлганмиш.

Саодат холанинг бу гапидан кейин онам нон ясадан тўхтади. Зухра хола бир қўлида ойна бўлган, бир қўлида гургут чўпи анграйганча савол маъносида Саодат холага тикилди.

— Вой, ўлмасам, нега?.. Нега ўлади? Ахир куну кеча Музина опанинг ўзидан Қримга ишлашга кетди, деб эшитувдим-ку?.. — Онаминг ҳам ачиниб, ҳам ишонмай айтган бу гапни ўртага чўккан бир дақиқалик сукутга чек қўйди.

— Бечоранинг қўли бўлди. Углини қандайдир таниши ишга чақирган эди. Музина опа шунча зорланса ҳам ишлаб келаман деб туриб олди. Борган жойида уришиб, безорилардан биттаси пичоклаб қўйганимиз. Кеча бу киши ташриланяпти. Қурилиш учун сарфланадиган маблағнинг 12 миллион сўми ҳомийлар ёрдамида амалга оширилмоқда.

— Вой, ўлмасам, нега?.. Нега ўлади? Ахир куну кеча Музина опанинг ўзидан Қримга ишлашга кетди, деб эшитувдим-ку?.. — Онаминг ҳам ачиниб, ҳам ишонмай айтган бу гапни ўртага чўккан бир дақиқалик сукутга чек қўйди.

— Бечоранинг қўли бўлди. Углини қандайдир таниши ишга чақирган эди. Музина опа шунча зорланса ҳам ишлаб келаман деб туриб олди. Борган жойида уришиб, безорилардан биттаси пичоклаб қўйганимиз. Кеча бу киши ташриланяпти. Қурилиш учун сарфланадиган маблағнинг 12 миллион сўми ҳомийлар ёрдамида амалга оширилмоқда.

Шавкат СУЛТОНОВ, «Ишонч» мухбири

эмаслиги сезилиб турибди, лекин негадир кетаётганида кўздан ёш дув-дув оқаётганини кўриб қолдим...

Ушанда ил бор қайғу-алам, кўлфат одамларни бирлаштиришига гувоҳ бўлганман. Лекин бугун айрим одамларимизда ана шундай оқибат, бошга қўлфат тушганда кўмак бериш каби инсоний ҳислатлар камайгандек туюлади менга. Турри, тазвия бўлган жойдан қолмаймиз. Эндиликда фақат шундай қўнлардагина қиядиган бўлиб қолганимиз дўппини бошга олиб, эл қотизи жанозага бориб, юзимизга фотиҳа тортаемиз. Марҳумнинг яқинларидан қўнғил сўраш имкони бўлмади, бўлмаса пойгадан қайтиб қолмаемиз. Бугега ўзимизнинг ташвишимиз ўзимизга этади. Ахир, қачондир бошинга тушиши мумкин бўлган қўлфатга йўлиққанга жим қараб туриш мумкинми? Шу қадар оқибатсиз бўлиб қолдикми?

— Э, дунёнинг ишлари қурсин... Чолининг ўтганига бир йил ҳам бўлмаганди, — Саодат холанинг гапини бўлди Зухра хола.

— Нимасини айтасиз. Булар (Маҳкам ака — Ж.Ш.) маҳалла оқсоқоли билан маслаҳатлашиб, маҳалладагилардан пул йиғиб берадиган бўлишди. Боя Жамолдан рўзгордан орттиганимизни бериб юбордик.

Бу орада онам нон ясаб бўлди.

Мен аллақачон тандирга ўт ёқиб, қиздириб қўйганман. Бир зумда нон ҳам, кўх сомса ҳам тайёр бўлди. Онам бир жуфт иссиққина нон ва беш-олтита сомса-ни дастурхонга ўраб, қўлимга тутказди.

— Бориб Музина опаникига ташлаб кел. Онам бериб юборди, дегин. Дастурхонни олиб дарвозага етди деганимиз онам қақриб қолди.

— Шовша, мана буну ҳам олиб бориб бер. Тагин йўлда йўқотиб қўймагин.

— Она шундай дея қўлимга бир даста пул тутказди. Саодат холанинг боғи гапий ёдимга тушди... Музина холанинг уйига кириб борар эканман, дарвозахонадан эркак кишининг овози келди. — Сикилнинг, опа. Биз, қолаверса, маҳалла-қўй бор экан, сизни ёлғизлаштиб қўймаймиз. Дарров танидим. Шоди муаллим. Икки фарзандини автохалокат туфайли бирдангина йўқотган. Шу сабабми, кўп инди. Мактабда математикадан дарс беради. Баъзан дарсларга ҳам ичиб келган пайтлари бўлган. Ҳозир ҳам хушёр

Меҳр қолур, муҳаббат қолур

миздан ўлик иси кетмайди.

— Нимадан ўлибди, касалмиди? — Касалми-йўқми билмадим-у, аммо бир кун эшик олдида зўра қўчиб ўғлимдан битта буханка олиб келишни илтимос қилган экан. Бу бематим ҳам ўйламай-нетмай айтганини қилибди денг. Эшитиб, роса уришдим. Ахир, биллиб бўладими, кампир қанақа касал. Балки юкумлидир.

— Э, кампирнинг ўзи яхши бўлса, фарзандлари ташлаб кетармиди? Мана, ёмонлиги учун Худо-нинг қарғиға учради. Ўлганини ҳеч қим билмадим...

Воқеанинг қулминацион нуктаси энди келди. Боядан буюн гапга аралашмаган уй эгасининг овози эшитилди:

— Намунча шу кампирга ёпишиб олдиларинг? Битта кампир бор эди, энди йўқ, Шунга ҳам ота гўри қозихонами? Салимахо, сиз яхши-ши, буларга кегаги тўйдан гапиринг.

Ана тўй-у мана

тўй. Бугега гап қўлимга кирмади. Билганим, энди икки аёлнинг бири олиб, бири қўйиб тўй, ундаги дабдоба-ю хашамат, столга тортилган нон-неъматлар, бири келиб, бири кетган санъаткорларни макташгани бўлди. Бир зумда нариги подьезддаги хонадонлардан бирода ёлғиз кун кечириб, оқибатда кўп берганини биров билмаган Валя холанинг аччиқ қисмати унутилди.

Негадир шу кампирнинг тақдирини билан қизикиб қолдим. Суриштирдим. Маълум бўлишича, у уруш дав-

рида Ўзбекистонга эвакуация қилинган минглаб аёллар, ёш болалар қатори келиб қолган экан. Урушдан сўнг шу ёрлик ўзбек йигитига туқумишга чиқди. Ҳамшираликка қўйилди. Касалхоналардан бирига ишга қиради. Сўнг турмуш ўртоғи, уч фарзандини олиб Мирзачўлига ўзлаштиришда қатнашади. Бир ўғли, бир қизи чўл шароитига қўнқоқмай, турли касалликлар билан вафот этишади. Валя хола ёлғиз қолган гўдағи, уч ойлик чақалоқ — Раҳимжонни олиб, Тошкентга қайтади. Орадан қанча суварак оқиб кетди. Ёлғиз фарзандини воқеа етказиб, энди роҳатини кўраман деганида Раҳимжоннинг харбий хизматга қақришди. Унинг кўпчилик қатори Афғонистонга тушганини эшитиб, муштилар онанинг фиғони кўкка ўрлади. Онанинг хавастори бежиз эмас экан. Бир йил тўймай Раҳимжоннинг жасадини темир тобурда олиб келишди. Ҳатто тобурни очилган ҳам руҳсат беришмади. Айтишларича, Валя хола ҳаётининг охиригача тобурдаги жасад рўздан ҳам ўғлиники эканлигига ишонмай яшаган экан...

Валя холанинг аянчли тақдирини ҳақида сўзлаб берган Хадича ая у билан қарийб йигирма йил бирага ишлаган.

— Вилоят шифоконасида ҳамшира бўлиб ишлаб, пенсияга чиққан Валя учун энди ҳақиқий ёлғизлик азоби бошланган эди, — дейди у.

— Аввал унанига тез-тез бориб турардим. Сўнг ўзимнинг ҳам соғлигим ёмонлашиб, бир мuddат тўшакка михланиб қолдим. Унинг вафот этганини касалхонада эшитдим. Ростини айтсам, яқин одамимдан ажралгандек бўлдим. Сабаби, у билан яқин дугоналардек бўлиб қолгандик. Қолаверса, ҳеч қим унинг ҳаёт йўлини, бошдан ўтказган аччиқ қисматини менчалик яхши билмасди.

Дунёда яхшилар бор. Шунинг учун ҳам ўзи ўқи атрофида бир маромада айланар турибди. «Бори элга яхшилик қилгин, ки ондин яхши йўқ», дейди шох ва шор Заҳриддин Мухаммад Бобур. Беш қўнлик дунёда бир-биримиздан меҳримизни дариг тутмасак, яхшилик қилиш қўлдан келмаганида, жилла курса бирова ёмонлиқни соғинмасак, шунинг ўзи ҳам яхшилик аслида.

— Ушунинг учун ҳам ўзи ўқи атрофида бир маромада айланар турибди. «Бори элга яхшилик қилгин, ки ондин яхши йўқ», дейди шох ва шор Заҳриддин Мухаммад Бобур. Беш қўнлик дунёда бир-биримиздан меҳримизни дариг тутмасак, яхшилик қилиш қўлдан к

Қувасой шаҳридаги «Аҳмад ал-Фарғоний» сихатгоҳида Республика қишлоқ меҳнаткашларининг III Спартакиадаси ниҳоясига етди

Спартакиадада шоҳсупасида-ДЎСТЛИК ВА БИРДАМЛИК



Спорт — тинчлик элчиси. Биз бунга қўшимча қилиб «Спорт — дўстлик ва бирдамлик, саломатлик гарови» эканини ҳам айтмоқчимиз. Чунки тадбир борки спортчилар нафақат бахшлашадилар, шунингдек, бир-бирлари билан мулоқотга киришиб ширин сўхбат қурадилар, тажриба алмашади, дўстлашадилар.

Гўзал Қувасойнинг Арсиф қишлоғида жойлашган сихатгоҳда бўлиб ўтган қишлоқ меҳнаткашларининг Республика спартакиадасида ҳам шундай бўлди. Тўрт кун мобайнида бу гўша қатнашчилар билан гавжум бўлди. Бири Хоразмдан, бири Андижондан, бошқиси Сурхон воҳасидан келган қишлоқ меҳнаткашлари мусобақа баҳона кўнглини ҳам ёзиб олдилар. Ўзи спартакиададан кўзланган мақсад ҳам шу эди-да.

Мусобақаларнинг тантанали ёпилиш маросимида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Озода Муҳитдинова айтганларидек, «Спорт билан шуғулланиш нафақат саломатлик гарови, балки аёло кайфият омили ҳамдир».

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ҳукумати жисмоний тарбия ва спортга алоҳида эътибор қаратаётгани бежиз эмас. Бу йўлда касаба уюшма ташкилотлари ҳам ишончли ҳамкор сифатида қўллаб хайрли ишлари амалга ошироқда. Тез-тез ўтказиб келинаётган спорт тадбирлари бунга яққол мисол бўла олади.

Фарғонада ўтказилган мусобақалар спортнинг мини футбол, стол тенниси, кураш, шоҳмот, шашка, белбоғли кураш, арқон тортиш, тош кўтариш сингари турлари бўйича ўтказилди. Шуниси диққатга сазоворки, асосий баҳслар сихатгоҳнинг ўзида ташкиллаштирилди. Кураш ҳамда белбоғли кураш, стол тенниси мусобақаларига Марказий Фарғона ўйингоҳида бўлиб ўтди. Республикамининг турли ҳудудларидан келган 300 дан зиёд қишлоқ меҳнаткашлари бу спорт майдонларида дўстона беллашдилар.

— Шашка мусобақаларида қатнашиб, тўртинчи ўринни эгалладим. Асли Навоий вилоятининг Хатирчи туманиданман, — дейди қатнашчилардан бири Хулқар Аҳмедова. — Гарчанд, совриндорлар сафидан ўрин ололмаган бўлсам-да, ташкилотчилар мени галабага бўлган иштиёқи учун номинацияси бўйича голиб деб топди. Мен бундан жуда қувондим.

Дарҳақиқат, ташкилотчилар ҳеч қимни эсдан чиқаришмади — сихатгоҳ ошпазидан тортиб, концертга ташириб буюрган қўшиқчилар ҳам эсдалик совғалари билан сийланди. Хуллас, ҳаммининг кўнгли кўтарилиди, кайфияти чоғ бўлди.

Мусобақаларга келсак, яқинда «Ўз ўйингда деворлар ҳам суйайди» деган ибора бежиз айтилмаганига ғувоҳ бўлдик. Сўнгги беллашув — арқон тортиш мусобақаларида мезбонлар ҳамда Сурхон воҳаси вакиллари финалда рўбарў келди. Фолиблик фарғоналикларга насиб этди. Бирок, бир оз тортишувли ҳолат бўлгани учун ташкилотчилар ҳар икки жамоани голиб деб эълон қилди ва кўпчилик назарида адолатли иш тугилди.

Умумжамоа ҳисобида эса барибир Фарғона вакиллари биринчи ўринни эгаллади. Кейинги ўринлар Андижон ҳамда Сурхондарё вилояти вакилларига насиб этди.

Номинациялар бўйича ҳам мукофотлар топширилди. «Маҳоратли ўйини учун» И.Бакирова, белбоғли курашда «Галабага бўлган иштиёқи учун» Д.Рустамов, «Энг қисқа вақтда галабага эришгани учун» У.Жўраев ва бошқаларга эсдалик совғалари берилди.

А.МАМАЖОНОВ



Тўрт одамнинг бошини қовуштироқ осон иш эмас Кичкинагина бир маросим ўтказиш учун ҳам қанча елиб-югуриш керак. Агар меҳмонлар бутун республикадан бўлса-чи?

таажжубга солди. Ахир Фарғона билан Қувасойнинг ораси 30 чақирим келса? «Нексия» ни учириб кетаётган Бахтиёр ака изох берди. — Ҳа-я, айтиш эсимдан чиқибди. Йигирма йил мобайни-

Мусоҳаба

Бахтиёр Дадажонов: УЙИМИЗГА МЕҲМОН КЕЛДИ

Фарғонанинг гўзал Арсиф қишлоғида жойлашган «Аҳмад ал-Фарғоний» номли сихатгоҳ Қувасой шаҳри билан туташиб кетган адирликлар эстагида жойлашган. Бу ерда тўрт кун мобайнида Қишлоқ меҳнаткашларининг Республика спартакиадаси бўлиб ўтди. Бу аjoyиб, соясалқин гўшага бизни Фарғона вилояти касаба уюшмалари кенгаши раиси ўринбосари Бахтиёр Дадажонов элтиб кўйди. Равон йўлдан Арсиф томон бурилар эканмиз, хушчақчақ мезбон гап бошлади.

да шу сихатгоҳда ишлаганман. Қўлимдан келганча, шу эрининг обод бўлишига ҳиссамни қўшганман. Тепадаги адирликлардаги биноларни замонавий муолажа анжомлари билан жиҳозлашни, массаж, парафин хоналари қуришни эндигина бошлаган эдим. Бу ёққа чақириб қолдим.

Шу зайл сихатгоҳга етиб келдик. Ҳамма ер кўм-кўк, атрофда эни бир қулоч келадиган чинор, терак даракталари салобат тўкиб турибди. Соясалқинда сўхбатимизни давом эттирдик.

— Вилотимиздаги жами 12 та тармоқ касаба уюшма раисларининг ҳар бирига алоҳида делегация бириктирилган. Кўриб турган бўлсангиз, раислар шу ерда ҳозир-нозир. Яна вилоят ҳокимлиги, маданият ва жорий ишлари вилоят бўлими ходимлари, ички ишлар ва бошқа ташкилотлар ҳам баҳоли қудрат ёр-

дам беришди. Штабда кунутун ишлаймиз. Ахир келган меҳмонларни кўнглидагидек қутиб ололмасак, биз қанақа мезбон бўлдик.

— Яна қандай тадбирлар ўтказасизлар?

— Спорт баҳсларидан сўнг, меҳмонларга турли дастлар иштирокида концерт ва ракс кечалари уюштироқдамиз. Қолаверса, Фарғона шаҳрининг гўзал қадамжоларини сайр эттиришни режалаштирганмиз. Хуллас, «Бу даргоҳдан ҳеч қим ҳафа бўлиб кетмайди».

Юсуфбек ҳожининг машхур иборасини жойида ўхшатиб айтгани учунми ҳамроҳимиз маза қилиб қулди. Кеч вақт алламаҳал, биз жойлашган «ФарДугоба» меҳмонхонаси олдида яна Бахтиёр акани учратиб қолдик. — Меҳмонларнинг бир қисми шу ерда макон қилишиб, улардан бир хабар олай деб келдим-да! Орадан ярим соатча вақт ўтиб, Бахтиёр ака биз билан хайрлашди-да, «Эртага меҳмонларни кузатиш керак, вақтли туриш шарт», — дея «Нексия» газини босди.

Сўхбатдош: Абдулхай ЮНУСОВ

Сўз — иштирокчиларга

МЕНДА ТАКЛИФ БОР

Қишлоқ меҳнаткашлари спартакиадаси том маънода оммавийликка хизмат қилувчи тадбирлар доирасига кирди. Юртимизда жисмоний тарбия ва спортга соғлом турмуш тарзининг негизи сифатида қаралаётгани айни муддаодир.

Президентимиз ташаббуси билан ўтказиб келинаётган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» спорт ўйинлари мамлакатимиз ёшларининг соғлом, бақувват ва ватанпарвар, иродали инсонлар бўлиб вояга етишларида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу ўринда бир таклифни ўртага ташламоқчи эдим. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ўтказиб келинаётган ушбу мусобақаларни йирик тадбирлар сирасига киритиш вақти етди. Чунки бу тадбирлар орқали қишлоқ меҳнаткашларини спортга кенг жалб этиш, қишлоқ ва маҳаллаларда унинг дастлабки босқичларини уюшқоқлик билан ўтказиш ҳамда республика босқичида спорт турларини кўпайтириш орқали кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Тўғри, бунинг учун катта маблағ талаб этилади. Кенг жамоатчилик, давлат ва хусусий корхоналар бу ишда кўмакчи бўлиши мумкин. Мамлакатимиз аҳолисининг ақсар қисми қишлоқ ҳўжалигида банд эканлигини инобатга олсак, қишлоқ меҳнаткашлари учун йирик спорт тадбирларини уюштириш нақадар аҳамиятли эканлиги маълум бўлади.


Рўзи ЎТАЕВ, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий Кенгашининг Сурхондарё вилояти бўйича вакили

ОМАДИМ ЧОПДИ

Ширкат ҳўжалигида оддий ишчи бўлиб ишлайман. Ушбу мусобақаларда биринчи марта иштирок этдим. Таассуротларим бир олам.

Фарғонанинг гўзал табиати, соясалқин кўчалари, самимий инсонларини ҳали кўп эслаб юрсам керак. Спортнинг мини футбол тури билан ёшлигимдан шуғулланиб келаман. Спартакиадада юқори ўринларни эгаллаб олмаган бўлсам-да, мен бундан асло ҳафа эмасман. Чунки бундай тадбирларда иштирок этишнинг ўзи катта бахт. Қолаверса, спартакиаданинг асосий ишлари ҳар доимгидек «Галаба қозониш эмас, баҳсларда қатнашиб, дўстлар ортиришдир». Бу борада менинг омадим чопди. Мусобақа иштирокчилари учун яратилган қўлайликларга келсак, ҳаммаси биз ўйлагандан ҳам аёло даражада бўлди. Арсиф қишлоғидаги баҳаво сихатгоҳ ходимларига, ошпазларга, барча ташкилотчиларга ўз миннатдорчилигимни билдирдим.

Исомиддин ЭЛМУРОДОВ, Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани «Дўстлик» ширкат ҳўжалиги аъзоси



МАЗА ҚИЛИБ ДАМ ОЛДИМ

— Олис Хоразмнинг Шовот туманида жойлашган «Ширин» посёлқасидан келганман. Спортнинг стол тенниси тури бўйича қатнашдим.

Қўлимдан келганча иштирок этдим. Асосийси, Фарғона водийсини кўрдим. Чунки авваллари бу томонларга келмагандим. Бу ерларнинг ҳавоси, суви, табиати биздан анча фарқ қилар экан. Одамлари жуда хушчақчақ, хушмуомала. Сихатгоҳ соясалқин гўшада жойлашгани боис, мусобақалардан сўнг маза қилиб сайрга чиқдим. Умуман бу мусобақалар баҳонасида қўллаб дўстлар, таниш-билишлар орттирдим. Ҳордиқ онларидоги қўлайликлар учун мезбонларга ташаккур айтаман.

Азимбой ОДАМОВ, мусобақа қатнашчиси, Хоразм вилояти

ГАЛАБА НАШИДАСИ БОШҚАЧА БЎЛАДИ

Спартакиада баҳсларида белбоғли курашда қатнашдим. Бизнинг Ховос туманида бу спорт турини жуда яхши кўришади. Бу кураш усулини танлаганим сабаби, отам ҳам белбоғли кураш бўйича бир неча бор Республика чемпионатларида совриндор бўлган. Бу менга қондан ўтган десам тўғри бўлади.

Финалда 81 килограмм вазнда гиламга тушдим. Фарғоналик рақибимни унча қийинчиликсиз мағлуб этдим. Биз қишлоқ меҳнаткашлари учун шундай тадбирларни уюштирганлар соғ бўлсин.

Баҳром БУРҲОНОВ, Сирдарё вилояти Ховос туманидаги фермер ҳўжалиги аъзоси

НАТИЖАЛАР, ФОЛИБЛАР, СОВРИНДОРЛАР

МИНИ ФУТБОЛ

- 1. Фарғона вилояти
2. Тошкент вилояти
3. Андижон вилояти

КУРАШ

- 66 кг
Раметов Қудрат — Қорақалпоғистон Республикаси
Бекназаров Умид — Самарқанд вилояти
Холбеков Сафар — Сурхондарё вилояти
73 кг
Расулов Фулом — Сурхондарё вилояти
Аҳмедов Рустам — Андижон вилояти
Кумёков Пулат — Қорақалпоғистон Республикаси

- 81 кг
Жўраев Ҳасан — Сурхондарё вилояти
Яхшимов Жасур — Қорақалпоғистон Республикаси

- Кучимов Садриддин — Сирдарё вилояти
90 кг
Жўраев Умид — Сурхондарё вилояти
Аллабергенов Шерзод — Қорақалпоғистон Республикаси

- Ҳамраев Умид — Андижон вилояти
+ 90 кг
Қодирбоев Байрам — Қорақалпоғистон Республикаси

- Зиёвуддинов Ҳамза — Сурхондарё вилояти
Юнусалиев Гофур — Фарғона вилояти

БЕЛБОҒЛИ КУРАШ

- 66 кг
Мамажонов Иқбол — Фарғона вилояти
Абдураимов Дониёр — Андижон вилояти
Мирзаев Абдухамид — Сурхондарё вилояти
Мухаммадалиев Миржавҳар — Тошкент вилояти

- 73 кг
Қаримов Алишер — Фарғона вилояти
Раҳимов Дилшодбек — Андижон вилояти
Абдуллажонов Зафар — Наманган вилояти
Саидов Баходир — Сурхондарё вилояти

- 81 кг
Бурхонов Баҳром — Сирдарё вилояти
Эгамбердиев Ботир — Фарғона вилояти
Латипов Алишер — Наманган вилояти
Гадовев Алишер — Бухоро вилояти

- 90 кг
Маматов Улугбек — Фарғона вилояти
Ашуров Муҳиддин — Андижон вилояти
Баҳромов Мўмин — Наманган вилояти
Файзиёв Отабек — Сурхондарё вилояти

- +90 кг
Абдумўминов Анварбек — Фарғона вилояти
Раҳимов Шерзод — Андижон вилояти
Ҳўжамуродов Раҳим — Сирдарё вилояти
Рустамов Улугбек — Наманган вилояти

СТОЛ ТЕННИСИ

- 1-ўрин
Абдурахимов Шўҳрат — Фарғона вилояти
Сотибоддиева Нилуфар — Фарғона вилояти


- 2-ўрин
Кан Алексей — Тошкент вилояти
Эштова Дилфуза — Тошкент вилояти

- 3-ўрин
Холиқов Дилшод — Андижон вилояти
Жалилова Мастура — Андижон вилояти

ШОҲМОТ

- 1-ўрин
Раҳматулин Комил — Сурхондарё вилояти
Ашурова Хосият — Сурхондарё вилояти

- 2-ўрин
Юсуфов Обиджон — Фарғона вилояти



Цай Аврора — Фарғона вилояти

3-ўрин
Хайлаев Барот — Сирдарё вилояти
Хайлаев Юлдуз — Сирдарё вилояти

ШАШКА

1-ўрин
Тешубоев Алексей — Фарғона вилояти
Сафина Зайнаб — Фарғона вилояти

2-ўрин
Тулаганов Маҳаммад — Тошкент вилояти
Раҳимова Манзура — Тошкент вилояти

3-ўрин
Мамадинов Маҳаммад — Андижон вилояти
Раҳимова Манзура — Андижон вилояти

ТОШ КЎТАРИШ


1-ўрин
Музаффаров Ўткир — Фарғона вилояти

2-ўрин
Алмаганбетов Ерженбай — Қорақалпоғистон Республикаси

3-ўрин
Нёяматов Бекзод — Жиззах вилояти

АРҚОН ТОРТИШ

1-ўрин Фарғона вилояти
Сурхондарё вилояти
2-ўрин Қорақалпоғистон Республикаси
3-ўрин Жиззах вилояти



М.КОДИРОВ (УзА) олган суратлар

«ДУНЁ ТУРСИН БИЗДАН КЕЙИН ҲАМ...»

...Зайниддин ака (биз шундай деймиз), Зайниддин Рихсиев ҳақида ёзганда «сўз киши» деган сал баландпарвоз гапни ишлатгандан кўра, оддийгина қилиб, у қалами ўткир журналист, дилбар шоир, қисқаси, эл севган ижодкор, дея нисбат берган маъқул бизнингча.

Гўзал поэтик услубда ифода этилган сатрда ўзига хос бир «сурат»ни кўраётган. Барча имкониятлар, неъматлар бадастир шароитда «ғунчанинг қуриши»да не маъно, не ҳикмат бор? Табиат ва жамият уйғунлиги аро юзга келган муносабатдан хулосаси эмасмикин бу?..

Тўйхат

Узоқ-узоқ йиллар силсиласида устоз газетачиликнинг деярли барча погоналарини босиб ўтди: забардаст журналистлар эстагидан тўтиб кам бўлмади. Ҳозирги кунда эса Зайниддин Рихсиевнинг ўзи устоз. Устоз бўлганда, унақа-мунақаси эмас, ўзини, сўзини оқлайдиганлардан. Сўхбатлашиб қолганимизда у ҳамиша: «газетачиликни, журналистикани нони қаттиқ, лекин ширин. Энг катта ютуқ — ёзганингизни одамларга ёққази билдириш услубидир» дейди устоз салмоқ билан. Ва ўзи шунга амал қилади, ибрат, намуна кўрсатади. Гўзал шеърлари билан кўнглини уйғотади, юракка ажиб туйғулар солади.

Майли-да, нима бўлганда ҳам, ҳозир «тадқиқот»ни бир четга қўйиб турсак. Бинобарин, бафуржа тўхталишга вақт ва фурсат топамиз. Ҳозир айтмоқчи бўлганимиз...
...Зайниддин Рихсиев, 60 ёш остонасига етиб келибди. Кўнглини кўтариш эмаску, рости гап шу: ҳеч ким устозга ҳали 60 ёш бермас. Узоқ-қич билганлар ҳам «...ўзи яқинда эллика кирувди, шекилли», дея каловланиб қолишса ҳам, ажабмас...
Гапни қисқаси яхши: шунга кўра, Зайниддин акага, Зайниддин Рихсиевга узоқ умр, жўшқин ижодий кайфият тилаб қоламиз.
Ҳамиша омон бўлинг, устоз!

Сув бор эди, Ҳаво бор эди, Еруғлик ҳам тушарди қийғос, Очилмасдан гунча... Куряди, Лаб бурди-ю кўз юмди бехос...

«Ishonch» газетаси таҳририяти



ро шахрига 2 кунлик сафар уюштирилди.
— Таълим-тарбия ишларини яхши йўлга қўйишда ҳам, бундай тадбирларни амалга оширишда ҳам туманимиздаги фермер хўжаликлари доимий равишда ҳомийлик қилишмоқда, — дейди мактаб директори А.Қазакбаев. — Биз ҳам уларга ҳосилни йиғиб-териб олишда имкон қадар кўмаклашамиз. Мактаб билан фермер хўжаликлари ўртасидаги бундай ҳамкорлик янги-дан-янги муваффақиятлар...



Суратларда: таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Тошкент вилояти кенгашининг Янгийўл туман вакили Зиёвуддин Тулагонин (чапдан ўнганга), мактаб раҳбари Алишер Қазакбаев ҳамда ўқитувчилар Захро Воҳидова, Бибисора Қўшқовалар галдаги вазибалар хусусида суҳбатлашмоқда; компьютер синфи ўқитувчилари Нигора Мадрохимова ҳамда Нигора Ориповалар доимо ҳамфикр, ҳамнафас бўлиб иш юритишда; ўқувчиларнинг турли адабиётларга қизиқишини оширишда кутубхона мудираси Ҳилола Исмаилованинг ҳам муносиб ўрни бор.

АНЪАНАГА АЙЛАНГАН

Янгийўл туманидаги 2-ўрта умумтаълим мактабидан ҳозирги кунда мингдан зиёд ўқувчи фан сирларини ўрганишмоқда. Уларга 57 нафар юқори малака ва тажриба эгаси бўлган ўқитувчилар сабоқ беришмоқда. Мактаб маъмуриятининг ташаббуси билан ҳар йили юртимизнинг диққатга сазовор жойларига саёхатлар уюштириш анъана тусига кириб қолган. Албатта, бунда энг намунали ўқувчилар, турли олимпиада ва кўриқ-танловларнинг ғолиблари, фаол ўқитувчилар танлаб олинади.



Утган йили жамоа аъзолари ва аълочи ўқувчилардан бир гуруҳи Самарқанд шаҳрига экскурсияга юборилган бўлса, бу йил кўнча ва ҳамиша навқирон Бухоро эришишимизда асосий омил бўлмоқда.

А.ХУДОЁЕВ

ТУПРОҚ

Сув бор эди, Ҳаво бор эди, Еруғлик ҳам тушарди қийғос. Очилмасдан гунча... Куряди, Лаб бурди-ю кўз юмди бехос.

Эҳ, дўстларим, Кўли не керак, Дунё турсин биздан кейин ҳам.

ТАСАЛЛИ

Хонандадан овоз қолади, Созандадан қолади сози Шоир баъзан уйга толади: Қолармикин ёзган қозғоғи?

Кимдир ўқиб ёзганларини Не демоқчи, тушармикин? Ё гижимлаб, ёқиб барини Гўлханда исинармикин?

Билалмайди, Ёзар барибир, Юрак кўри бўлади газал. Бекор кетмас ёгани ахир, Исинар-ку кимдир лоақал.

АЙЛАНДИ МИЛЛАР

Чиқиллайди тунда, кундузи, Миллар гўё кўрсатқич бармоқ. Аслида-ку соатнинг ўзи Инсон кашфи, робот — уйинчоқ.

Айланади миллар беп йўлда, Оҳанг, суръат бирдек тег-текис. Чик-чик, чик-чик... деворда, қўлда, Таҳдид ила ўлчар умримиз.

Чиқиллайди писанда билан, Инсон умри унгадек боғлиқ. Билмайдики, соатларнинг ҳам Мангу эмас умри — ўлчоғлик.

Зайниддин РИХСИЕВ

Туризм — юрт рекламаси КАТТА БИЗНЕСНИНГ РИВОЖЛАНИШ СОҲАСИ

Кўпгина мамлакатларда туризм катта бизнеснинг жадал ривожланаётган соҳасига айланган. Масалан, товар ва хизматлар экспортдан келадиган даромадларда туризмнинг хиссаси Испанияда 60, Австрияда 40, Швейцарияда 18 фоизни ташкил этади. Кўпроқ сайёҳ юборувчи мамлакатларга АКШ, Германия, Англия, Франция каби ривожланган давлатлар кирди. Кўпроқ қабул қилувчи давлатлар эса Австрия, Швейцария, Испаниядир. Буларга Ўзбекистонни ҳам киритиш мумкин. Мамлакатимиз ҳозир туристлар кўрадиган жойлар сони бўйича биринчи 10 таллик давлатлар қаторига кирди.

Халқаро туризмда, айниқса, сайёҳлик хизмати фойда олишнинг ишончли манбаи бўлиб, хорижий валюталарнинг кириб келишига ёрдам беради. Юртимиз ўзининг тарихий ва қадимий маданият марказлари бўлган Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз каби шаҳарлари билан жаҳон ахлининг эътиборини ўзига жалб этиб келмоқда. Ўзбекистонга бугунги кунда 400 минг нафар чет эллик сайёҳлар, туристлар ташриф буюришиб, бундан 38 миллион доллардан орттироқ даромад олинган. Статистик маълумотлар шунини кўрсатадики, кейинги йилларда ушбу соҳадан олинган фойданинг умумий ҳажми нефть ва газ ишлаб чиқариш соҳалари билан рақобатлашмоқда.

Туризм соҳасида реклама жуда муҳим рол ўйнайди. Ривожланган давлатлар тажрибасидан фойдаланиб, уни шундай оммавийлаштириш лозимки, бундан туристлар етарли маълумотлар олиб, қизиқишлари кучайиб, республика тарихий ва маданий ёдгорликлари, халқ хунармандчилиги ҳақида янада кўпроқ ахборотга эга бўлсинлар. Шунингдек, рекламалар орқали мамлакатимиздаги туристик имкониятлар билан хорижий сармоядорларни таништириш ва икки томонлама фойдала шартномалар тузиш мумкин.

Туризмнинг ривожланишида замонавий меҳмонхоналар, рестороанлар, дўконлар, йўллар ва оромгоҳлар қурилиши, тарихий ёдгорликларнинг қайта тамирланиши ва атроф-муҳитни асраш борасидаги тадбирлар катта аҳамиятга эга. Бу омилларнинг барчаси давлатнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий юксалишига ва жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари қаторидан жой эгаллашига ёрдам беради.

Лазиз ЭШОНҚУЛОВ, Тошкент Давлат иқтисодий университетининг талабаси

Бу — қизиқ

Муслиқ чолғулар орасида жаз муслиқсининг илҳомландири яхши биладиган саксофон асбобидир. Бу чолғу асбобидан эндиликда ўзбек куйларини ижро этишда ҳам фойдаланилмоқда. Бу ахборот сазнинг иштироки билан бўлибди. Бу чолғу асбобидан эндиликда ўзбек куйларини ижро этишда ҳам фойдаланилмоқда.

САКСОФОННИНГ КАШФ ЭТИЛИШИ

Кунларнинг бирида «бас» русумидаги кларнет мундштугини (овоз ҳосил қилиш қисми) «бас» пардаларига мосланган мисдан асалган дамлаи чолғу «офikleид»га ўрнатиб қилиб кўради. Биринчи таралган товуш ўзига хос эдики, Сакс ўйлиниб қолади ва кашфиётни такомиллаштиришга ўтади.

ПОМИДОР ДАРАХТИ

Япониянинг Синояма шаҳридаги «Кива» таъриба-намуна фирмасида помидор дарахти ўстирилади. Унинг бўйи 3 метр, тана диаметри — 15 сантиметр. Воғга етган ана шундай дарахтнинг бир тупида уч минг донагача помидор етилади. Бу антика дарахт узоқ йиллик селекция ишларининг махсули бўлиб, махсус ойнаванд хонадонда ўстирилмоқда.

Гўзаллик кўриги ГИМНАСТИКАЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Пойтахтимизда спорт гимнастикаси бўйича ўтказилган мамлакат чемпионати якунланди.

Хотин-қизлар ўртасидаги шахсий биринчиликда таяниб сакраш баҳсида Тошкент вилояти вакиласи Эмрина Абдувалиева ғолиб чиқди. Спорт гимнастикасининг қолган турлари бўйича олтин медаллар пойтахтлик спортчиларга насиб қилди. Стелла Каримжонова брусъда бажарилган машқларда биринчи ўринни эгаллаган бўлса, бревнода Луиза Галиулинага, эркин машқда Татьяна Гафуйлинога тенг келадигани топилмади.

Эркалар ўртасида андижонлик Равшан Осимовнинг турнини ҳамда халқдаги чиқишлари ҳақамлар томонидан юқори баҳоланди ва истеъдодли спортчи иккита олтин медални қўлга киритди. Қолган олтин медаллар фарғоналик гимнастикачилардан Андрей Бескорсий ва Равшан Мирзаев, Эдуард Шаулов (Тошкент) ҳамда самарқандлик Руслан Эргашевга насиб қилди.

Футболда шунақаси ҳам бўлиб туради: мавке жияхатидан тенг жамоалар учрашиб қолишади. Шундай пайтда нафаякат муҳлислар, хатто мутахассисларнинг ўзлари ҳам башорат қилишдан тийилмадилар.

Қўшнилар учрашуви

Шу маънода ўинчи тур аввалгиларидан анча фарқ қилади. Бир йўла тўрт жуфтликни ташкил қилган жамоалар ўзаро рўбарў келдирилди, бу шак-шубҳасиз, турнир жадалига туб ўзгариш кiritилишидан далолат эди. Амалда ҳам шундай бўлди. Натижалар маълум бўлгач, кечяги қўшнилар бироз «бегоналашиб» қолдилар, лекин бири-бирларидан анча узоқлашиб кетдилар. Ваҳоланки, биз биринчи бўлиб томоша қилганимиз «Трактор» ва «Навбахор» ўртасидаги баҳс муросасозлик йўли танла-нишдан дарак бергандек эди. Ҳар ҳолда тенг курашлар остида ўтган ўйин ҳисобда ҳам тенглик қайд этилиши билан якун топди. Ориф Мирзаев томонидан амалга оширилган голдан икки дақиқа ўтар-ўтмас Илҳом Мўминжонов ўртадаги муваззатни тиклади. Лекин қолган учрашулар...
Энг йирик ҳисоб Жиззахда қайд этилди. Шу аснога қадар галаба нашидасини сурмаган икки аўдасайдер команда — «Сўғдиёна» ва «Хоразм» қайси жамоа кучли эканлигига аниқлик киритиб олиш учун майдонга тушдилар. Албатта, меҳмонда тўп суриш анча нуқулди. Лекин бундай бўлишини хойнаҳой урганликларнинг ўзлари сўнг ўз мавқелини янада яхшилаб олдилар. «Пахтакор» эса энг яқин таъкибчи «Насаф»ни қабул қилиб, 2:0 ҳисобида зафар олишган ўйинчи алмаштиришлар ўз самарасини берди, ёки бўлмаса, бой берилган имкониятлардан хабарласи пир бўлган қаршиликлар ташаббусини қўлдан бой бериб қўйдилар. Ҳар ҳолда стадионга ташриф буюрган футбол шинавандалари ўзлар кутган шиддатни кўрмадилар. Бошқача айтганда, бир томон ҳужум қилди, иккинчи томон имкон даражасида ҳимояланди ва бу сустқилиги тўғрисида учрашуви бой берди.

Қолган ўйинлар куйидагича якун топди: «Локомотив» — «Бухоро» — 1:0, «Шўртан» — «Металлург» — 1:0, «Нефтичи» — «Самарқанд-Д» — 4:1, «Тўпаланг» — «Машъал» ўртасидаги баҳс муборакликлар Осиде чемпионлар лигаси ўйини — «Ал-Айн» билан учрашувдан сўнг вакиллари...

Мамлакат чемпионати

Турнир	Жадвали					
У	Ю	Д	М	Т-Н	О	
1. «Пахтакор»	10	9	1	0	24-2	28
2. «Нефтичи»	10	7	1	2	22-9	22
3. «Насаф»	10	7	1	2	19-11	22
4. «Машъал»	9	6	2	1	14-4	20
5. «Бухоро»	10	5	0	5	15-11	15
6. «Андижон»	10	4	2	4	17-13	14
7. «Тўпаланг»	9	4	2	3	13-10	14
8. «Трактор»	10	4	2	4	11-14	14
9. «Навбахор»	10	3	4	3	11-10	13
10. «Кизилқум»	10	3	3	4	14-17	12
11. «Локомотив»	10	3	3	4	9-17	12
12. «Шўртан»	10	3	1	6	6-11	10
13. «Самарқанд-Д»	10	3	1	6	5-15	10
14. «Металлург»	10	2	3	5	11-12	9
15. «Сўғдиёна»	10	1	2	7	5-14	5
16. «Хоразм»	10	0	2	8	4-30	2

Мамлакат чемпионати

мизга боғлиқ бўлмаган сабабга кўра Бирлашган Араб Амириликларидан маълум вақт ушланиб қолганликлари учун бошқа кунга қолдирилди.

Ishonch
МУАССИС:
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Абдухалиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Тиражи: 15164 E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru Буюртма Г— 714

Таҳрир хайъати

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Бизга кўнгирок қилинг:

Котибати 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63

Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади.

Бизнинг манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Навбатчи котиб - А.Алламурадов
Навбатчи муҳаррир - Р.Ахмадалиев
Муваззах - Н.Қўлдошев
Навбатчи - Р.Сайдаметова

Саҳифаловчи-дизайнер: З.Бакиров ва Ю.Михайловский

Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди -